



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

2007 йил 8 июнь, жума.

Миллий
ТИКЛАНИШ —
МИЛЛАТ
КЕЛАЖАГИ

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

23 (406)-сон

Сотувда ЭРКИН НАРХДА.

ДАВРОН КЕЛДИ

Даврон келди — яратил, ёничи,
Хур камолот даврони келди.
Сенга, халқим, Миллий тикланиш,
Тараққиёт даврони келди.

Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Анжуман кун тартибидаги асосий масала "Жамиятни янада демократлаштириш шароитида сиёсий партия олдида турган долзарб вазифалар" мавзуси ҳисобланади.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмита раислари, депутатлар, сиёсатшунос олимлар, партия фаоллари иштирок этишади.

Улар "Конституцион қонунлар берган ваколат ва ҳудудий партия гуруҳларининг олдида турган долзарб вазифалар", "Миллий ғоя тарғиботида партия фаолларининг иштирокдаги вазифалари", "Эркинлашадиган

Бугун Тошкент шаҳрида «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг республика илмий-амалий конференцияси ўз ишини бошлайди.



жамиятда сиёсий партиянинг ўрни, роли ва аҳамияти" мавзуларида фикр алмашишди.

Шунингдек, конференция қатнашчилари партиянинг сиёсий фаолиятини такомил-

лаштириш, ҳудудий депутатлик гуруҳлари ишини янги босқичга кўтариш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Азамат АҲМАД
олган суратлар.

Биздан озод ва обод Ватан қолсин!

Файласуфлар ҳаётни курашлар мажмуаси, деб таърифлашади. Ташқаридан кузатсангиз, ушбу ҳулосанинг тўғри эканлиги ўз тасдиғини топади. Аммо одамзотнинг ёруғлик маҳзанига келиб-кейтишини қандай тушуномок керак? Инсон бошқа мавжудотлардан фарқ қилар экан, унинг бу дунёдаги рутбаси нималардан иборат? Келинг, аждодларимиз ўтмишига бир қур назар ташлайлик.

Ер юзининг етти мўъжизасидан бири — Тож Маҳал тарихий обидаси инсон шарафини улуглашга асосланади. У ўзга миллат, ўзга элат истиқболини юксалтирди. Демак, одамийлик нафақат ўз халқини, балки бошқалар манфаатини ҳам

кўрсатган. Ийғилган ҳазинанинг аксарияти маърифат йўлига сарф қилинган. Жорий йилнинг 16-19 апрель кунлари Президентимиз Миср Араб Республикасида қилган расмий ташрифи чоғида юртдошимиз Аҳмад ал-Фарғоний ҳайка-

мирилиши, асл ҳолатига келтирилиши. Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмийлар каби дунёвий илмларга сезиларли таъсир қўрган алломалар, тарихий шахарларимиз — Термиз, Бухоро, Хива, Тошкент, Марғилон, Самарқанд шаҳарларининг юбилейларини ўтказиш ана шу мақсадга хизмат қилади. Айниқса, бу йил Тошкентнинг Ислоҳ маданияти пойтахти деб эълон қилиниши жаҳон аҳлининг бизга бўлган яна бир эҳтиромидир. Демак, юқорида таъкидлаб ўтилган саволини эсласак, муаззам ҳаётнинг мантқиқи олам аҳлига яхшилик улашишидир. Бинобарин, улугларни кўп ўтган аждодлар ворислари сифатида биз ҳам эзгуликлар шахиди яшашимиз керак эмасми? Бунинг учун юртимиз тинчлигини кўз қорачиқидек асрашимиз, истиқлол имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, илм-фан чўқилларини забт этишимиз, ўзимиздан озод ва обод Ватан қолдирумиз зарур. Бунда ота-бобларимиз руҳлари ҳамма ёр бўлсун...

Авалло, элни ўйлаган одамгина ўзлигини сақлаб қолади. Узини топган инсонгина жамият ривожини таъминлай олади. Бу борада тарихда бизга ибратли мисоллар кўп. Ундан керакли ҳулосани чиқариш эса ҳар биримизнинг ақлу заковатимизга боғлиқ.

Муродулла ҒАҒУРОВ.

IX асрда яшаб ўтган аллома Махмуд Қошғарий «Девони луготит-турк» асарини ёзганда нималарни назарда тутган эди? Уни Осий бўйлаб кенг ҳудудларга тарқалган туркий қавмлар тилини ўрганиб чиқишга қандай куч мажбур этди? Бу омонат дунёда ўз тиркичилиги учун ҳаракат қилиб юрса бўлмасмиди? Айтиш жоизки, унда миллатсеварлик ҳисси тугён уриб, яратувчанлик иштиёқи орқали жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўиш нияти жўш урганди. Бу эзгу орзулар йўлида барча қийинчиликлардан асло чўчимади. Тил қонунлари, раво сўзлашши орқали илму фан ривожини кенгайтириш ва чуқурлаштириш мумкин. Бунинг олим теран англаган, бутун умрини, иқтидорини шу ишга сафарбар этган. Натжидада, авлодлар фахрига айланган илмий асар вуқудга келди.

«БОРИ ЭЛҒА ЯХШИЛИК ҚИЛ...»

қадрият силсилаларини ўзида мужассамлаштирди. Бундан мақсад шуки, ҳар бир одам фақат ўзи учун эмас, бошқаларга ҳам наф келтириши керак. Ватан ва жамият тараққиётини таъминлашда фаол иштирок этиши зарур. Буни қуйидагилар тасдиқлайди:

Одами эрсанг
демагил одами —
Ониким, йўқ халқ
ғамидин ғами.

Айни дамда ул зотнинг:
Менга қилса минг
жафо, бир қатла
фарёд айларам,
Элға қилса бир жафо,
минг қатла фарёд
айларам, —

мисралари ҳар бир шахс қалбини уйгоқ тутди.
Енгилмас саркарда —
шоҳ Муҳаммад Бобур мирзо ҳам ҳинд сори юзланганда кишилик жамияти раванқини кўтаришга интилган.

ўйлашни тақозо этаркан. Шу билан бирга, ҳар ким ўзлигини топтоғи шартки, бобокалонларимизнинг хайрли ишларини давом эттиришимиз заруриятини туғдиради. Мирзо Бобур айтганларидек:

Бори элға яхшилик
қилгилки, мундин
яхши йўқ,
Ким, дегайлар
дахр аро қолди
фалондин яхшилик.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам жаҳон маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшгани билан тарихда қолган. Тарихдан маълумки, жаҳонгирлар мамлакатларни босиб олган, у ерда вайронгарчилик барборларида юрт иқтисодий таназулини келтириб чиқарган. Аммо бизнинг бобомиз ҳамма ерда мадраса-ю эл қорига ярайдиган иншоотлар қурдирган. Илмни, зиёли кишиларга катта эътибор берган ва бегараз ғамхўрликлар

ли пойига гулчамбар қўйди. Бу арабларнинг халқимиз фарзандига юксак эҳтироми эди. Нега? Эҳромлар юртида бизнинг аждодларга бунчалик ҳурмат қайдан пайдо бўлди? Гап шундаки, IX асрдёқ Нил соҳили сув сатҳини ўлчаб турадиган махсус устурло зарур эди. Уни бизнинг тулроқда ўниб-ўсган олим ихтиро қилган. Мазкур устурло мамлакат иқтисодийнинг ўсишини таъминлади. Натжидада, одамлар турмуш даражаси юксалди, фарован ҳаёт вуқудга келди. Дунё аҳли бугун ҳам ўзбек миллатига миннатдорчилик изҳор этаётди.

Гапираверсак, гап қўп. Мамлакатимиз мустақилликка эришган, аждодлар удумини давом эттиришга кенг имкониятлар эшиги очилди. Қадриятларни тиклаш ҳар ҳабада юз кўрсатяпти. Чунки, азиз авлиёлар мақбаралари таъ-

оддий деҳқон фарзанди чет элларга бориб келармиди? Замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларининг тасарруфидда бўлишнинг тушга ўшайди, аммо бу — ҳақиқат! Хуллас, истиқлол ҳаётимизга рўшнолик олиб кирди. Ким қайси фаолиятни танласа, астойдил ишласа барча имкониятлар менинг турмушимда ҳам кўрса бўлади.

Абдумалик КАРИМОВ,
Оқўрғон туманидаги
"Покиза-М" фермер
хўжалиги раҳбари.

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ХАЁЛ

Бундан олти йил муқаддам фермер хўжалиги ташкил қилган эдик. Айни пайтда 176 гектар ерда деҳқончилик қилармиш. Утган давр мобайнида 30 га яқин иш ўрни яратилди. Экин майдонларимизда қимматбаҳо саноат хомашёси ҳисобланган пахта, ғалла етиштирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иш яхши йўлга қўйилганлиги боис натижа ҳам самарали бўлмоқда. Масалан, 2005 йилда 35 миллион сўм соф фойда олишга эришдик. Утган йили эса бу кўрсаткич янада юқори бўлди. Ҳозир турли рўсумдаги қишлоқ хўжалиги техникаларига эгамиз. Шунингдек, бир неча автомашинамиш ҳам бор. Бун-

дан ташқари, ишчиларнинг ойлик маошлари кўпайиб бормоқда. Бу эса одамларимиз турмуш даражасини ошишига олиб келаяпти.

Дарвоқе, бундай ютуқларни қўлга киритиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Илғор тажрибалар ўзлаштирилганлиги, ерга илмий асосда ишлов беришнинг йўлга қўйилганлиги, аъзо-

ларимизнинг моддий манфаатдорлигини муттасил ошириб бориш эвазига муваффақиятларга эришилмоқда. Ерга эгалик ҳуқуқи ўзимизга берилганлиги, ҳўжалик юртишини мустақил равишда олиб бораётганлигимиз кўрсаткичларимизнинг яхшиланшида мўҳим омил бўлмоқда.

Мен оддий ўзбек деҳқони дунё кўрдим десам, му-

Ҳар йилнинг июнь ойи партиядошларимизни қарийб бир хил саволлар билан қарши олади: хўш, ўтган йил "Миллий тикланиш" демократик партияси учун қандай йил бўлди? Қандай ютуқлар қўлга киритилди? Нималарга эришилди-ю нималар бой берилди? Янада аниқроғи, партиянинг мамлакатимизда сиёсий куч сифатидаги мавқеи нечоғли ошиб-ортиб бормоқда?..

12 йил:

УЛҒАЙИШ ФАСЛИ

Ҳар йили партиянинг ташкил топган санасини нишонлаш қанчалик мароқли бўлса, шу каби саволларга очик-ошқора жавоб бериш, берилган жавоблардан ўзимизнинг келгуси фаолиятимиз учун зарур хулосалар чиқариб олиш шунчалик масъулиятли ҳамдир.

Авалло, биз ёш партиямиз дейдиган даврлар ортда қолди. Тажрибамиз етарли эмас, дея камчиликларимизни ҳаспўшлаш ҳам энди ярашмайди. Чунки республика-мизда фаолият юритаётган бешала сиёсий партия учун тенг имкониятлар яратиб берилган, бешала партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси давлатимизнинг олий идорасида қонун яратувчилик миссияси билан шуғулланиб келмоқда. Қарийб уч йилдирки, партиянинг Марказий кенгаши девони "Миллий тикланиш"чиларнинг чинакам маънодаги марказига, юрагига айланди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари билан деярли ҳар кун, зарурат туғилганида истаган дақиқда боғланиш, ахборот олиш, фикр алмашиш имконияти яратилган. Катта ташкилотчилик ишлари йўлга қўйилганлиги билан кенг омма назарига тушган туман, шаҳар кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари ой сайин кўпайиб бормоқда. Мухими, жойлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда "Миллий тикланиш" номидан фаол аралашаётган, у ёки бу масалада ўз фикри, нуктаи назарини ифода этаётган вакилларимиз сони ортиб бормоқда.

Фаолиятимиздаги бу каби ижобий ўзгаришларнинг замирида жамиятимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар натижалари, хусусан, ижтимоий-сиёсий ҳамада жамиятни эркинлаштириш ва модернизация қилиш борасида эришилаётган демократик саъй-ҳаракатлар самараси ётибди десак, тўғри бўлур эди. Таъбир жоиз бўлса, партияимизнинг шаклланиш йўли республикамиздаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг янгидан-янги босқичларга кўтарилиши жараёналарига эътибор қилиш мумкин. Зеро, кўчи фуқаролик жамиятини жамоат ташкилотлари, айниқса, сиёсий партияларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу маънода ҳам УЭМТДП мамлакатимизда келажаги порлоқ жамият барпо этиш йўлида муносиб ўрин тутмоқда.

Тўғри, кўп ҳақиқатлар таққослаганда яққол кўзга ташланади. Партияимиз фаолиятига бошқа партиялар қўёсида назар ташлайдиган бўлсак, кейинги йиллар мобайнида партияимиз рақобатбардорлик борасида бирмунча тобландаи.

Гарчи депутатларимиз сон жиҳатидан озчилики ташкил этса-да, ҳуқуқий жиҳатдан партияимиз фракцияси қонун ижодкорлиги, амалдаги қонунлар ижросини назорат қилиш ишларида бошқа партиялар билан тенг ваколатга эга. Чунки, Тошкент шаҳридан, Тошкент вилоятининг, Андижон, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидан, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидадан сайланган депутатларимиз сайловчилар билан учрашиб, улар билан доимий яқин алоқа ўрнатилган. Маҳаллий халқ депутатлариди ҳам бирон дақиқа бўлсин зиммаларимизга шарафли вазифани унутмайтилар. Шу ўринда фракция партиянинг ўзига хос мувофиқлаштирувчи, йўналтирувчи марказига айланганини таъкидлаш ўрнили бўлур эди.

Партиялар ўртасидаги рақобат хусусида сўз борар экан, Қонунчилик палатасидан мумкин қадар кўпроқ ўрин эгаллаш нақадар зарурлигини, мазкур омил кўп жиҳатлардан халқ қўлувчи аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтмоғимиз шарт. Аввало, партияга давлат бюджетидан бериладиган маблағ миқдори депутатлар сонидан келиб чиқиб белгиланади. Иккинчидан эса, 2008 йилнинг январидан қураб қилиш режалаштирилган янги Конституциявий қонун партия фракцияларимизга катта мажбуриятларни юклармоқда. Гап шундаки, муҳтарам Президентимиз томонидан ташаббус тартибидан киритилган "Давлат башқаруви ниҳилош ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатини модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кўнатириш тўғрисида"ги Қонун фракция аъзоларини янада фаоллик кўрсатишга, партиянинг ҳудудий гуруҳлари, уларнинг аъзолари билан яқиндан ва бевосита иш ташкил этишга даъват этди. Мазкур қонун партияимизнинг барча бўғинларида муҳокама қилинди, маҳаллий халқ депутатларимиз фаолиятларини янги босқичга

кўтариш, шу орқали жамиятда кечаётган жараёнларга партия фаоллари аралашуви, яъни назоратини йўлга қўйиш механизми ишлаб чиқишга киришилди. Партия гуруҳлари вазифаларини ташкиллаштиришда фракция аъзоларининг иштирокини йўлга қўйиш келишиб олинди.

Назаримда, партияимизнинг ҳозирги пайтдаги фаолиятида барча бўғинларнинг муштараклигига эришиш энг зарур, энг мўҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Марказий кенгаш, ҳудудий кенгашлар, бошланғич партия ташкилотлари ўртасидаги алоқаларда изчил ўзвийлик партиянинг кўп жиҳатлардан муваффақиятини таъминлайди. Халқона тил билан айтганда, бир ёқадан бош чиқариш, яъни тактика ва стратегияда яқдилликка эришиш пировард натижа — партиянинг ҳақиқий маънодаги сиёсий кучга айланшига замин яратади. Қолаверса, партия биринчи навбатда кадрлар масаласи ва муаммоси эканини ҳаёт бот-бот кўрсатмоқда десак, муболага бўлмас.

Партия кадрга суянади, партиянинг тақдирини кадр хал қилади, етуқ кадрларнинг борлиги — партиянинг борлиғидир! Бу борада биз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларини, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатларини, шунингдек, нафақат партияимизнинг, балки халқимизнинг ҳам фахри, гурурига айланган ижодкорларимиз, олимларимиз, шифокорларимиз ва бошқа соҳа эгаларини катта эҳтиром билан тилга оламиз. Вилоятларда, туманларда катта обрў-эътиборга сазовор етакчиларимиз борлигидан, уларнинг атрофида катта хайрихоҳлар қатлами жипслашганидан ҳақли равишда фахрланамиз. "Миллий тикланиш" партияси дастуридаги яхши ниятларни халқ орасида оммалаштиришдек шарафли вазифани амалга ошириш учун, — деди Тошкент Молия институтига бўлиб ўтган учрашувда фалсафа фанлари доктори, профессор Самғи Раҳимов зўр бир самимият билан, — аввало, халқ орасига киришимиз зарур. Халқ билан боғланмоқ керак. Шу борада керак бўлса, мен шу ёшимда республикани пиёда кезиб чиқишга тайёрман!

Мўйсафид ёшдаги устоз домланинг бундай оташин сўзлари кўплаб партия етакчиларимиз хатти-ҳаракатларига янада жон бахшида қилади, деб ўйлаймиз.

Яна бир мисолга Термиз туманидаги 2-умумтаълим мактабида дўр келдик. Ўқув масканининг шинам ва саришда ҳовлисига кирсангиз кўзингиз ярайди. Ўқув синфхоналари, лаборатория хоналари, хатто компьютер синфини томоша қилиб беихтиёр тасанно айтаси! Боси — ёшлари 80 ни қора торган директор Орол Примкуловнинг тиниб-тиничмаслиги, топқирлиги, мактаб ҳовлисига кўчатчилик томорқасини яратиш, шунинг ҳисобидан ўқув масканини кам-кўстини тўлдириб йўлга қўйилгани, айниқса, бу ишлар бевосита ўқувчилар иштирокида амалга оширилаётганини диққатга сазовор. Директор отахоннинг янада катта ниятлар билан партияимиз сафига кириб, "Миллий тикланиш" билетини фахр билан қўлга олганларини, мана, бугун биз мамнуний ила тилга олмақдамиз!

Тошкентнинг Собир Раҳимов тумани ҳудудига жойлашган хунарманчилик коллежи директори Ҳасан Юлдашев педагогика фанлари номзоиди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси УЭМТДП Устаида ва Дастурида зикр этилган "Устоз — отангдек улуг!" шioriга мос келади. Бунинг натижаси ўлароқ мазкур илмухна маскани жамоаси билан партияимиз ўртасида яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилдики, бу ва бунга ўхшаш мисолларни кўплаб санаб ўтишимиз мумкин.

Биз бугун нима ҳақда сўз очсак, 12 йиллик маррадан туриб олиш ва порлоқ келажакни кўзламоғимиз даркор. Зеро, партияимиз улғайиш, қад ростлаш ва ўз кўрк-тароватини кўз-кўз қиладиган фаслда яшамоқда. Бу фаслда мактос ҳам, танқид ҳам самимий бўлсагина амалий самара беради. Шу боис ҳам биз эришган ютуқларимизга ҳам, эришолмай қолган орзу-ниятларимизга ҳам ҳолис ва танқидий руҳда назар ташлай олишга одатланмоғимиз даркор. Мана шундагина умумпартиявий ишларимизни янада тўғри ва самарали йўлга қўйишга эришамиз.

Хуррид ДўСТМУҲАММАД,
УЭМТДП Марказий кенгаши раиси.

ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Ўзбекистонда кенг қўлланма ижтимоий-сиёсий ва демократик ислохотларни амалга ошириш жараёнида жамиятнинг барча жабжаларини модернизациялаш борасида катта тажриба тўпланди.

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Қонун демократик ривожланиш йўлидаги муҳим кадам бўлди. Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш учун кенг имкониятлар очиб берадиган қонунчиликни, яъни ҳуқуқий кафолатларни янада такомиллаштириш республикада кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида босқичма-босқич амалга ошириладиган демократик ўзгаришларнинг мантикий давомидир. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданиятини оширишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш масалаларига эътибор кучайиб бораётди. Ижро ҳокимияти тизимини шакллантиришда ҳам сиёсий партияларнинг роли орди. Сиёсий партиялардан сайланган депутатлар жойларда ижро ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатиш, уларнинг фао-

лиятини назорат қилишда фаол иштирок этиш учун ҳуқуқий механизмлар яратилди. Сиёсий партияларнинг маъқеи орта бошлади. Ўзбекистондаги сиёсий барқарорлик, иқтисодий ўсиш барчамизни қувонтирмакда. Энди конституциявий қонун билан кафолатланади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тузилган сиёсий партия фракцияси ўз вақтида Қонунчилик палатаси спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашда кафолатли ҳуқуққа эга. Ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашларидаги партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қонунчилик фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган ҳулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилди. Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг олдида турган вазифалар мунтазам муҳокама қилинаётди. Партияимиз қонундан келиб чиқиб ўз фаолияти йўналишларини белгилаб олди. ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда партияимиз ўз Устави ва Дастурига ўзгаришлар қилишга қаратилган амалга ошириш бўйича ишчи

Парламент соати

гуруҳлари ташкил этилган. Жорий йилнинг апрель ойида Хоразм вилоятида бўлиб ўтган ЎзМТДП Марказий кенгашининг сайёр Раёсат йўналишида Конституциявий қонун талабларидан келиб чиқадиган вазифалар, уларни амалга ошириш механизмлари бўйича режалар белгилаб олинди. Партиянинг ташкилий тузилмалари ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, фидойи аъзолар ва хайрихоҳлар сонини кўпайтириш ҳам бугунги муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади. Айниқса, Конституциявий қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, шу аснода ҳудудий ва маҳаллий кенгашлар фаолиятини янада яхшилаш мақсадида "Энг яхши бошланғич партия ташкилоти", "Вилоятнинг энг фаол кенгаши", "Йилнинг энг яхши вилоят кенгаши" бўйича танлов эълон қилинган ҳам айни муддао бўлди.

Шу кунларда партияимиз ташкил толганининг ўн икки йиллик шодиёналари нишонланади. ЎзМТДП халқимиз миллий ва маънавий бирлигини мустаҳкамлашга қаратилган ҳамда ана шу эзгу мақсад йўлида фаолият юритувчи сиёсий кучдир. Мақсадимиз миллий кадриятларимиз ва энг илгор жаҳон тажрибалари асосида жамиятимиз тараққиёт йўлини белгилаб олиш, ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқимиз учун овоз ва обод эрт яратишдан иборат экан, Ўзбекистонни Ватан деб билган, унинг раънакига куч-қудратини бахшида этишга тайёр ҳар бир фуқаронини сафаримизда кўришдан бахтиёримиз.

Бахтиёр ҚУШАКЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Мамлакатимиз аҳолисининг 68 минг нафардан зиёди бугун ўз тақдирини партияимиз билан боғлаган. Бу партиядошларимизнинг дастурда илгари сурилган эзгу ғояларга масъулликни кўрсатади. Орамизда партия ишини пухта эгаллаган, фидойилик билан ишлаётганлар кўп. Таъбир жоиз бўлса, ўзининг муҳал ёшини нишонлаётган зиёдилар партиясининг сафида туриб ўз фикрини, нуқтаи назарини ўртага ташлаб, режаларни амалга оширишга бош-қош бўлаётганлар бундай кишиларни фахр билан партия жонқуярлари дейишни ўринли деб биламан.

Фақат жонқуярлик билан иш битмайди, албатта. Камтарин, шижоатли, сўзи ва иши бир бўлишига интилар инсонгина хурматга сазовор бўлади. Зиёдилар партияси ташкил толушига унга биринчилардан аъзо бўлган партиядошларимиз қаторида Наманган вилоят кенгаши раиси Пахритдин Шарипов ҳам бор. У 2003 йилдан мазкур вазифада бир қанча ибратли ишларнинг амалга оширилишига бош-қош бўлди. Асосий эътиборни партия дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга изчил татбиқ қилиш, сафаримизни мустаҳкамлаш, партия нуфузини янада ошириш, аҳолининг кенг қатламлари орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга қаратди. Бу даврда партия аъзолари сони 2,5 минг нафардан 8 минг нафарга, бошланғич ташкилотлар сони эса 53 тадан 236 тага кўпайди. Узоқ йиллар давомида турли жойларда масъул вазифаларда ишлаб, тажриба орттирган, ҳамжihatликни муҳим деб биладиган бу инсоннинг иш услуби, етакчилиги вилоят миқёсида ўтандиган тадбирларда тезда ўз

ТАШАББУСКОР РАИС

ифодасини топди. Одий бир мисол. П. Шариповнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида кейинги икки йил ичида 100 нафардан зиёд кам таъминланган оилага моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатилди. "Савоб ишни ҳар ким ва ҳар кун қилиши керак", деган нақлни ҳаётий широгга айлантирган савобталаб кишилар қаторида у кўпгина муҳтожларга, рўзгоридан камчилик сезилиб қолганларга ўз хисобидан ҳам ёрдам беришга одатланганини биров билса, биров билмайди. Қайсидир бир оилга қорамол, бошқасига яна бир рўзгорининг камчилигини бутлайдиган буюм хайли қилади.

Кўпгина хайрли ишларни қилдик, — дейди Пахритдин ака. — Наманган шаҳридаги "Қизил кўприк", "Атанган гузар", "Дўстлик", "Меҳнатобод" маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган миллия таянч пунктлари, маҳалла идоралари таъмирланди. «Қозонбулоқ», «Баландариқ» маҳалласидагилар, янгиқўрганликлар эса кўчаларига тўғи ёриткичлар қўйилганидан мамнун. Шаҳардаги 59-умумтаълим мактабида "Ҳуқуқий ресурслар маркази" ташкил этилиб, зарур қўрағмали қуроллар, қўлланма ва адабиётлар билан жиҳозланди. Наманган давлат университетида, коллеж, академик лицей ва мактабларда ёшлар иштирокида очик му-

лоқотлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Ўқувчи ёшларнинг билим ва салоҳиятини ошириш мақсадида "Сирли бурчак", "Ёш билимдонлар" каби қўлланма кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Партия сафари ташаббускор, фидойи ёшлар, олим зиёдилар ҳисобига янада кенгайди. Айниқса, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига жиддий эътибор қаратилади. Байрам кунларидан соғланган билан кам таъминланган оилаларга боришни, кексалар, ногиронларни йўқлашни фаолларимиз ўз бурчи деб билишди.

Табиики, аъзолар сонининг орттиши, ишларнинг жаддаллашиши ҳам фидойи етакчиларнинг сазй-ҳаракатлига боғлиқ. Ҳар бир вилоят кенгаши бу борада ўзига хос тажриба орттирган. Очиғини айтиш керак, Хоразм вилоят кенгаши тажрибаси оммалаштирилганда барча партиядошларимиз ҳам ўз иш режаларини янгилаб олишди. Наманганликлар ҳам фикрларини келгуси режаларини белгилади. Шу боис, вилоят кенгаши билан кўпгина қорхона ва ташкилотлар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Қирғиз ва Корейс миллий маданият марказлари билан биргаликда дўстлик фестиваллари, танловлар ўтказиб келинаётди. Юқорида айтганимиздек, зиёдилар партиясининг фидойилиги юртимизда олиб борилаётган ислохотлар билан биргаликда юриб, эзгу ишларни амалга ошириб келишаётди.

Рустам ОТАМИРЗАЕВ.

МИЛЛИЙ ҒУРУР ФИДОЙИЛИККА УНДАЙДИ

Партияимиз сафаримизда ҳар бир ишга талабчанлик билан ёндашадиган инсонлар кўп. Табиийки, уларнинг сазй-ҳаракатлари билан сафаримиз ватанпарвар, фидойи кишилар ҳисобига янада кенгайиб бормоқда. ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари Фурқат Тошбоев ҳам ана шундай эзгу ишларга бош-қош бўлаётганлардан биридир. У Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини тугатиб, бир неча йил мактабда дарс берди. 2001 йилда уни Жиззах давлат педагогика институтига ишга тақлиф қилишди. Шундан буён институтда талабаларга илм-фан сирларини ўргатиб келаётди. Шу билан бирга, илмий иш ҳам олиб бормоқда. У илмий-маърифий мақолалари билан матбуотда тез-тез катнашиб туради. Республика ва халқаро миқёсдаги конференцияларда ҳам фаол иштирок этиб келади.

— Ватан тарихини ўрганишнинг яхши томонлари кўп, — дейди у. — Утмишдаги бой тарихий, маданий, адабий меросимиз ҳақида қанча кўп билса, ҳаётга бўлган муносабатимиз, фикримиз шунча теранлашиб бораверади. Қалбимизда миллий ғурур яшаса ҳеч бир ишга беварқ қараб бўлмайди. Айниқса, бугунги ғурур эса миллий кадриятларни, анъаналарни ўрганганда, асл ўзлигини таниш бошлаган пайтингизда уйғонади. Зиёдилар партияимизга аъзо бўлишимга сабаб ҳам шу туйғунинг кучлилиги эди, назаримда. Партия дастурида илгари сурилган ғоялар замирида мени қўлдан бери ўйлантирадиган эзгу ишлар ҳақида сўз боргани учунми, шу партия сафида бўлишга ўзимни бурчли деб биламан дим. Талаба ёшлар билан бўлган суҳбатларимизда, очик дарсларда уларнинг фикр-

лари билан кўп ўртоқлашман. Уйлайманки, ўзини шу жаннатмакон юртнинг фуқароси деб билган ҳар бир киши бу юртнинг келажагига, тақдирига беварқ қарай олмайди. Суҳбатдошимизнинг гапида жон бор. Она-Ватаннинг тарихи, бугуни ва келажагига беварқ қараб бўлмайди. Айниқса, бугунги глобал жараёнда ватанпарварлик ҳисси билан яшаш миллий ўзлигини унутмасликнинг бош талабидир. Партия ишини жонлантириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун фидойилик билан ишлар керак. Ташаббускорлик, режа асосида иш юритиш, режаларнинг қорғозда қолиб кетмаслигига эришиш учун эса жонқуярлик деган фазилат зарур. Бундай эзгу туйғуларни қалбига жо этиб, ҳаётий широгга айлантириш яшаётган, ишлаётган ўқувчининг дилда ёш шоғирдларига гап-

лари, ниятлари жуда кўп. Буни унинг матбуотдаги чиқишларидан ҳам билса бўлади. Аудиторияда айтишга улгурмаганларини, тақлиф ва мулоҳазаларини қорғозга тушириб тахририятга жўнатишга эринмайди, бундай фойдали ишга доим вақт топади у. Кейинги йилларда вилоят кенгашининг ташаббуси билан ўтказилган тадбирларни чўтга солсақ, унинг тақлифи билан анчагина ишлар қилинганини сезиш қийин эмас. Турли хил кўрик-танловлар, мусобақалар, семинар-тренингларининг ўтказилиши, айниқса, бошланғич ташкилотларни ташкил этишга асосий вазифа деб қаралгани боис туман кенгашлари ишида ҳам илгарилар сезилмоқда. Партия етакчиларининг тажрибасини ошириш мақсадида партия ўқувлари ташкил қилинаётди. Шу боис бўлса керак, ҳеч бир тад-

бир бесамар ўтмайди. Фурқат Тошбоевнинг кундалик режасида китоб мутолаасига ҳам алоҳида вақт ажратилган. Ўрганганларини эса ёшларга, ўрни келганда ҳамкасбларига, бошқаларга ҳам айтиб, уларнинг фикрлари билан ҳам танишишга одатлиги қолган. Бу ҳақда у шундай дейди: — Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Яхё Ғуломов номидаги Археология институтидан устоз олимларнинг сабоғини олиб қайтганимдан кейин бу соҳага бўлган қизиқишим янада орди. Мамлакатимиз ҳудудидан тарихий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган жойлар кўп. Археология фани эса очилган кўрик ерга ўхшади. Унинг сир-синоатларини англаш учун ўқиш, изланиш, ўрганиш талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, касбимни, ўз ишимни яхши кўраман. Юртимиз раънаки учун фидойиларни ишлаётган ҳамкасбларимга ҳавас қиламан, уларга ўхшашга интиламан дим.

Гули ОЛИМОВА.



Нодира Салихова Тошкент шаҳар марказий тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг 4-ихтисослаштирилган кардиологик тиббий иш янада жадаллашади. Бу эса туман, ўз навбатида вилоят кенгашлари фаолиятининг ҳам мароминда кечилиши таъминлайди. Биз бу ишга эътибор қаратганча, бир неча туман кенгашларида бошланғич ташкилотлар билан ишлаш яхшиланди, янги аъзолар ҳисобига сафимиз янада кенгайиб борапти.

моқда. Ўзининг хушмуомалалиги билан касбдошлари ўртасида хурмат топмоқда. — Ҳар қандай касалликни енгиб ўтиш учун аввало ишонч керак, — дейди у. — Бизга мурожаат қиладиганларнинг аксарияти сурункали даргда чалинган беморлардир. Уларнинг кўпчилиги бепарволиги,

ўз вақтида шифокорга мурожаат қилмаганлиги оқибатида шундай оғир дард билан оғриган. Шунинг учун ҳар бир инсон соғлигига эътиборли бўлишини истаймиз. **Суратда: биринчи тоифали кардиолог Нодира Салихова.**

Азамат АХМАД олган сурат.

• Етакчилар — фахримиз

Бошланғич ташкилотлар — қанотимиз

Партия ташкилотлари иши самарадорлигини оширишда бошланғич ташкилотлар фаолияти муҳим ўрин тутаяди. Қачонки, унда ташаббускорлик, ҳаракатчанлик сезилса, кўйи бугунлардаги иш янада жадаллашади. Бу эса туман, ўз навбатида вилоят кенгашлари фаолиятининг ҳам мароминда кечилиши таъминлайди. Биз бу ишга эътибор қаратганча, бир неча туман кенгашларида бошланғич ташкилотлар билан ишлаш яхшиланди, янги аъзолар ҳисобига сафимиз янада кенгайиб борапти.

Тахтақўпир туман кенгаши фаоллари ташаббуси билан тузилган "Ватанпарвар" ташкилоти қошидаги партиядошлар маркази ҳам ибратли ишларни олиб бормоқда. Излаган ишдан топади, дейдилар. Бу гап айнан шу ташкилот раҳбари Бибижан Аверова ва унинг сафдошлари учун айтилгандек, назаримда. — Зиёдилар партияси ташкил толушидан буён

киши келиб қўшилипти. Б. Аверованинг бошланғич ташкилотга раҳбарлик қилаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у ташаббускорлиги, изланувчанлиги билан ишончимизни қозонди. Ўзига ўхшаган фидойи кишиларни атрофига тўплаб, режалари иш юритаётди. Унинг тажрибасини оммалаштириш ниятидამиз. Фидойи одамлар бор экан, партия бошланғич ташкилотлари чин маънода қанотимизга айланади. Бир сўз билан айтганда, уларнинг қай тарада ишларини бизнинг фаолиятимиз натижасини белгилаб беради.

З. ЕСЕНБАЕВ,
ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси.

• Туман кенгашларида

САФЛАРИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

ЎзМТДП Деҳқонobod туман кенгаши мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғояларини ёшларимиз қалбига сингдириш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Айни пайтда келгуси йилдан кўчга кирадиган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги Қонун зиммамизга катта масъулият юкляди. Жойларда ташкил этилаётган учрашувлар ва мулоқотларда анъаналаримиз, урф-одатларимиз, кадриятларимиз

ни тиклаш ҳақида сўз бормоқда. Энг қувонарлиси, партияимиз сафига қўшилиш учун ариза бераётганлар сони кўпайиб бормоқда. Қисқа муддат ичида ёшларимиздан 37 таси кўл келмоқда. Уларнинг ёрдами билан "Аэродром", "Қизилча", "Бешбулоқ" каби маҳаллаларда "Огоҳлик" — давр талаби, "Миллий-маънавий кадриятлар" мавзуда давра суҳбатлари ўтказилди. "Аёллар қаноти" иши ҳам кундан-кунга яхшиланиб бормоқда. Унинг етакчилари туман хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда тузилган иш режаси асосида фаолият олиб боришмоқда. Ҳеч бир иш ўз-ўзидан бўлмайди. Сафларимиз фидойи, жонқуяр аъзолар ҳисобига кенгайиб бораётгани зиёдилар партияси ташкил этилгандан ҳозирга қадар утган давр мобайнида олиб бориладиган самарали ишларнинг натижаси деб ўйлайман.

Жўра ХУДОЙЎЗАРОВ,
ЎзМТДП Деҳқонobod туман кенгаши раиси.

ИСТЕЪДОДЛИ САФДОШИМИЗ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Зомин тумани кенгаши раиси Саттор Қорабоев фидойи инсонлардан. У 1979 йил Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тугатган.

Кўп йиллар "Жиззах ҳақиқати" газетасида муҳбир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси Жиззах вилояти бўлимида масъул котиб, "Тарихий ёдгорликларни асраш маркази" раҳбари каби лавозимларда самарали меҳнат қилди. Саттор Қорабоевни республикамиздаги қалам соҳиблари яхши билишади. Адббининг "Калдирғочлар", "Тоғ садолари", "Қудуқчада жавзо", "Бу кўхна Зомин", "Човқартовдан тушган одамлар" каби ўнлаб китоблари ва турли мавзулардаги мақолалари нашр этилган. Айтиш жоизки, Саттор Қорабоев 2000 йилдан буён "Миллий тикланиш" демократик партияси Зомин туман кенгашини бошқариб келмоқда. Туманда партия фаолиятининг йўлга қўйилиши ва аъзолар сонининг кўпайиб боришида унинг хизматлари катта. Чунончи, туман партия кенгаши ташаббуси билан бир неча тарихий ёдгорликларнинг атрофи ободонлаштирилди, турли хил спорт мусобақалари ва кўрик-танловлар ўтказиш одат тусига кирди.

Дилшод НАЗАРОВ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

Фармон ва ижро



мой-сивсий адабиётлар сақланади. Электрон ресурслар бўлимида "Коммуникацион технологиялар" бўлими ташкил этилган, бу ерда замонавий компьютер хонаси, факс мавжуд. Барча компьютерлар интернет тармоғига уланган. 42 номдаги электрон дарсликлар, 1000 дан ортиқ маъруза матнларининг электрон вариантлари жамланган бой электрон кутубхона тармоғидан ҳам талабалар ва уларнинг устозлари унумли

санъат йўналиши бўйича вилоят босқичида 2-ўринни эгаллади. Спорт тўғрисидаги аъзолари ҳам яхши натижаларга эришиб келмоқда. Спорт зали томон йўл олди. Ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол инсонгина эзгу мақсадларига тезроқ эришади. Кейинги йилларда юртимизда болалар спортини ривожлантиришга бўлган эътиборнинг кучайиши ҳам айнан шу мақсаднинг натижасидир.

этгани. Бу ерда шуғулланган ёшлар устоздан ўтаман дейди. Масалан, 3-курсда ўқиётган талаба Лазиз Қулмуродов қаратэ бўйича Ўзбекистон чемпионатида фахрли 1-ўринни эгаллаган бўлса, Дилмурод Пўлатов "Шўртан" футбол жамоасида тўп суради. Лола Азимова эса теннис бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида 1-ўрин соҳибаси бўлган. Лазиз Келдиёров спортнинг у-шу тури бўйича ўтказилган вилоят чемпионатида 3-ўринни олиб қайтди.

Тавлим даргоҳида вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш ҳам яхши йўлга қўйилган. "Вояга етмаганлар маркази" айнан шу йўналиш бўйича иш олиб боради. Ўқини таъминлаган ёшларнинг ишга жойлаштирилишига ёрдам бериш, уларнинг амалиёт даярларини унумли ташкил қилиш, талабаларнинг жисмоний гуруҳлар, турли хил норасмий оқимлар таъсирини таъминлаш мақсадида марказ билан ҳамкорликда педагоглар жамоасининг доимий қузатуви ва назорати ташкил қилинган.

Талабаларнинг ота-оналари билан ҳам вақти-вақти билан суҳбатлар уюштириш аънаёнага айланган. Тез-тез ўтказиб туриладиган учрашувлар, очик мулоқотлар, "Конституция — бахтимиз пойдевори", "Сиз қонунни биласизми?" каби танловлар, турли хил маънавий-марифий тадбирлар ҳам уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда, дунёқарашлари кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўқув масканида яратилган шароитлар кўнгалдайдек. Айниқса, бионинг ён-атрофи, коллеж ховлиси обод ва кўркем. Бундай тартибнинг ўзиёқ ўқув юрти жамоасининг аҳиллиги, орасталликка амал қилишини аңлатиб туради.

Эминжон ЮЛДОШЕВ,
"Миллий тикланиш" мухбири. ®

КАСАНАЧИЛИК
ХУНАРМАНДИЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРМОҚДА

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик sanoat korxonalari bilan kasanchilikni rivojlantirish asosida ishlab chiqarish va xizmatlar urtasida kooperatsionni kengaytirishni ragbatlantirish chora-tadbirlari tuzgirisida"gi Farmoni ijrosi b'yicha "Dustlik-donmahsulotlari" aksionerlik jamiyatida muayyan ishlar qilinmoqda. 187 nafar mehnatga la'qatli kishilar bu ishga jalb qilingdi.

Хозирги пайтда ўн нафар малакали мутахассис электр двигателларини сифатли таъмирлаб берапти. 45 нафар ишчи қоп бичиш ва тикиш билан банд. 41

сидан қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, янги объектларнинг фойдаланишга туширилиши муносабати билан 16 нафар, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига 55 нафар, кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этилиши билан 66 нафар, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 110 нафар, жами 409 нафар хотин-қизга янги иш



нафар одам корхона ишчилари учун коржомма-тикиш билан шуғулланмоқда. Яна 20 киши эса тегирмон элактарига рамка ясаш ва тўрларини ўрнатишда фидойилик кўрсатмоқда.

Касаначилар 19 хил маҳсулот тайёрлашади, унинг 9 таси бевосита корхонамиз эҳтиёжи учун зарур, — дейди корхона бош иқтисодчиси Уктам Номозбоев. — Энди улар меҳнатининг жамият учун иқтисодий самараси ҳақида тўхталсак. Хозиргача касаначилар томонидан 50 миллион сўмлик аниқ иш бажарилди. Акционерлик жамиятимиз биргина ягона ижтимоий тўловдан 2 миллион сўм иқтисод қилди.

Дўстлик тумани аҳолиси 51500 нафарни ташкил этиб, унинг 26066 таси хотин-қизлардан иборат. Бандлик дастурини амалга ошира бориб, хотин-қизларни ишга жалб этиш юза-

ўрни яратиб берилди.

Тумандаги қишлоқ ва маҳаллаларда касаначиликни ташкил этиш ва ривожлантиришга эътибор қаратилиб, микрокредитлар бериш йўлга қўйилди. Айни пайтда 252 нафар хотин-қиз касаначилик билан шуғулланиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини бозорга чиқармоқда. Бу билан ун-тилиб бораётган миллий каштачилик, зардўзлик, чопон тикиш, қўл хунармандчилиги соҳалари қайта жонланмоқда.

Ҳа, касаначилик кони фойда. Уларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилаётган. Вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан касаначиларга 400 та тикув машинаси бепул берилди.

Бўрибой НОРКУЛОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Суратда: касаначи-тикувчи Саломат Маматова.

ҲАВАС ҚИЛСА
АРЗИЙДИГАН КОЛЛЕЖ

Бугун Қарши банк коллежи янги ўқув йили учун абитуриентларни ўз бағрига қорламоқда. 995 нафар талаба тахсил олаётган ўқув юртида ёшларга банк иши, молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, солиқ ва солиққа тортиш йўналишлари бўйича сабоқ берилади. Ўқув-тарбия жараёнлари билан танишиш истагида бу ерга ташриф буюриб, талабалар ва уларнинг устозлари билан суҳбатлашдик.

ми бўлимининг қарорига мувофиқ барча фанлар бўйича умумий натижаларга кўра Қарши банк коллежи 2-ўрин берилди.

Ахборот-ресурс маркази билан танишиш давомида бу ердаги ёшларга ҳавасимиз келди. Кенг ва ёруғ кутубхона талабалар билан гавжум. Коллеж кутубхонаси ахборот-ресурс марказига айлантирилган,

фойдаланишаётган.

Иқтидорли ёшларимиз жуда кўп, — дейди директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Улуғбек Дониёров. — Уларнинг ютуқларини кўриб фахрланамиз, ҳам шарафли, ҳам масъулиятли ишимизга бўлган меҳримиз янада ошади. Талабаларнинг билимларини синовдан ўтказиш мақсадида

Ахир, халқимиз соғлом танда соғ ақл, деб бежиз айтмаган. Коллежда тахсил олаётган талаба ёшлар спорт турлари бўйича эришаётган ютуқлар ҳақида аввал ҳам эшитгандик, шароитлар билан танишган, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Жисмоний тарбия ишлари бўйича раҳбаримиз Раҳим Бўриев ҳам тажри-

— Коллеж фаолият кўрсатаётганлигига энди уч йил тўлди. Лекин шунга қарамасдан ўқиш истагини билдираётган ёшлар жуда кўп, — дейди ўқув муассасаси раҳбари Хушмурод Шодмонов. — Биз уларга ҳар томонлама шарт-шароит яратишга ҳаракат қиламиз. Аввало, талабаларнинг пухта билим эгаллашлари учун барча чора-тадбирлар кўриляпти. Шунингдек, аёло баҳоларга ўқиётган, жамоат ишларида фаол қатнашиб келаётган ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзанди бўлган 70 нафар талабага Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан 10 минг сўмдан стипендия жорий қилинди. Ўқитувчи-ҳодимларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор берилаётган. Иш услуби, ўзига хос тажрибаси билан бошқалардан ажралиб турган фидойи мураббийлар доимо рағбат-

лантирилиб борилади.

Ёшларнинг бўш вақтини унумли ташкил этиш мақсадида 23 турдаги фан ва спорт тўғрисидаги ташкил қилинган. Уларга барча босқич ўқувчилари кизиқтирилган қараб аъзо бўлиб, дарсдан ташқари вақтларини кўнгалдайдек ўтказишаётган. Тўғрак раҳбарлари ўзларининг бор билим ва тажрибаларини қўлаб, талабаларнинг келажакда ўзлари хоҳлаган йўналиш бўйича билим ва малакаларини оширишларига мустаҳкам замин яратмоқда. Фан тўғракларининг фаол аъзолари бўлган 28 нафар талаба 14 та фан бўйича ўтказилган республика фан олимпиадаларининг 2-босқичида муваффақиятли иштирок этишди. География фанидан 1-курс талабаси Садоқат Исқандарова 1-ўринни эгаллаб, вилоят босқичида қатнашди. Қарши шаҳар халқ таъли-



ресурслар базаси 3 та йўналиш бўйича бойитилмоқда. Аънавий адабиётлар бўлимида умумтаълим ва мутахассислик фанлари бўйича зарур дарсликлар, шунингдек, бадий, ижти-

"Заковат" клубини ташкил этганмиз. 3-курс талабаси Юлдуз Теминова Зулфия номидаги давлат мукофоти-га номзодлар ўртасида шаҳар босқичида ҳамда "Келажак овози" танловининг

бали спорт мураббийларидан, — дейди ҳамроҳим. — У ўтган йили пойтахтимизда фахрийлар ўртасида самбо бўйича ўтказилган республика биринчилигида муваффақиятли иштирок

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Партия ташкил
этилганлигининг 12 йиллиги
билан барча сафдошларимизни
чин дилдан
МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Юрт равнақи,

• Ватан тараққиёти йўлидаги ишларига
омад тилайди.

Сафларимиз янада кенгайсин.

"Миллий тикланиш"нинг халқ орасидаги
обру-эътибори бундан ҳам ортсин.

Шу шукуҳли, саодатли кунларимизга
асло кўз тегмасин.
Мустақиллигимиз
боқий бўлсин!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ
ПАРТИЯ КЕНГАШИ

Республикамиз фуқароларини ихтиёрий равишда
бирлаштириб, миллий тикланиш гоёлари руҳида
фаолият кўрсатаётган

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик
партияси бугун 12 ёшда. Шу муносабат билан
партиямиз теварагига жипслашган
барча сафдошларимизни

ЧИН ҚАЛБДАН ТАБРИКЛАЙМИЗ.

Ўзбекистондаги барча сиёсий
партиялар зиммасига бугун юксак
талаб ва катта масъулият юклатилган.
Улар орасида "Миллий тикланиш"
партиясининг ўз электорати ва
хайрихоҳлари олдида юзи ҳамиша
ёруғ бўлсин. Партиямиз мақсадларининг
ўзагини ташкил этган миллий мафкура,
миллий истиқлол гоёси ва миллий
тараққиёт гоёлари ҳаётда ўзининг
амалий ифодасини
топаверсин.

Байрам шукуҳи

Кулгулари осмонни қопласин

Ўтган ҳафта мамлакатимизнинг барча ҳудудларида келажакимиз ворислари бўлиш болажонларимизнинг байрами — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кенг нишонланди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни илк бор 1950 йили нишонланган эди. БМТ бу ташаббусни қўллаб-қувватлади ҳамда болалар ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқларини ўз фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири деб белгилади. 1992 йили Ўзбекистон Республикаси болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилди. Бу ўринда шунини таъкидлаш лозимки, булар — ҳимоя ва эътиборга муҳтож ногирон, боқувчисини йўқотган болалар.

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 57-ногирон болалар мактабида Ўзбекистон Миллий нодавлат нотижорат ташкилотлари ассоциацияси томонидан байрам муносабати билан таянч имкониятларини йўқотган болалар учун тантаналар уюштирилди. Байрамда турли ижодий жамоаларнинг чиқишлари болаларда катта таассурот қолдирди. Улар тантаналарда нафақат томошабин, балки иштирокчи сифатида ҳам катнашди.

“Камолот” ЁИХ Шайхонтоҳур туман бўлими кенгаши, туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, маданият ва спорт ишлари бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Болалар ижодиёт уйи ҳамкорлигида Фафур Фулом бо-



ғида кичкинтойлар учун байрам кечаси уюштириди. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оила фарзандлари тadbирга ташриф буюриши. Туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи болалар ўртасида “Кувнок эстафета” спорт мусобақаси, “Бахтли болаларим” мавзусида асфальтга расм чизиш ва “Ким эпчилу ким чаққон?” виктори-

на ўйинлари ташкил этилди. Ғолиб бўлганлар Фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирландилар. “Марварид”, “Феруз”, “Тантана” ракс гуруҳлари тенгдошларини музикаий чиқишлари билан муборакбод этдилар. Шу билан бирга “Янги эски шаҳар” лойиҳаси доирасида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон кичкинтойлар учун

хайвонот боғига сайр уюштирилди. А. Навоий номидаги санъат саройида “Ҳаёт хали олдинда” фильми ижодкорлари билан учрашув ташкил этилди. Мазкур фильм намойишидан сўнг, болажонлар учун викториналар ўтказилиб, ғолибларга совғалар улашилди.

Адибхон ҒАЙРАТ кизи. Азамат АҲМАД олган сурат.

ОШ ТУЗИНИНГ ХИСЛАТИ

Назаримизда энг қийматсиз нарсалардан бири бўлган ош тузи нималарга қодирлигини биламизми?

Доғи кетмаётган алюмин идишга йирик туздан солиб, бир оз киздирилса, тозалаш осон кечади.

Янги сирли идишда биринчи бор шўр сув қайнатилса, сирни осонликча кўчмайди.

Бетон йўлаклар орасидан ёки деворлар ёнидан ўт ўсиб чиққан жойларга қайноқ шўр сув қуйилса, ўт бошқа ўсмайди.

Ойна, биллур идишлар шўр сувда ювилса ярақлаб туради.

Балиқ тозаланаётганда қўл тузлаб турилса, сирпаниб кетмайди.

Девор, шифт бўр билан оқланаётганда келчинчалик чангмаслиги ва суркалганда юкмаслиги учун елим (клей) қўшилади. Туз ҳам елимнинг вазифасини бажара олади.

Тузининг хислатлари ҳақида яна кўп ёзиш мумкин. Уни кераклик ўринда, кераклик миқдорда ишлатган маъқул.

Бехзод ҚОДИРОВ тайёрлади.

Маърифий қарашлар

Икки навкар, икки дўст ҳарбий топшириқни бажариб, салтанатга жонлари омон етиб олибдилар. Юрт халифаси Жалолга зарҳал тўн, Халилга барқут тўн совға қилибди. Иккисининг номини хутбага қўшиб ўқишга фармон берилди...

Шундай, ўғлим! Дўст ёмон кунда синалади, нақ-лининг мағзи шунда. Илло, сен атрофингдаги дўстларининг ҳақиқий ёки сохта дўст эканлигини синашга асло шовма! Ҳаётнинг ўзи сенга масалани равшан қилади. Илло, бу ҳаракатинг билан асл дўстининг дилига озор етказиб қўйишинг мумкин.

Ҳа, азизлар! Ҳақиқий дўст ҳақида яна кўп ривоятлар, ҳикматлар, мисоллар келтириш мумкин. Лекин фақат бу мисоллар билангина дўстлик мавзусини ёритиб бўлмайди. Ҳаёт давомида ушбу мавзу ўз сирларини очиб бераверади. Ниятимиз — бу беш кунлик дунёда ҳақиқий дўстлар кўпайсин. Бир-бирига меҳр-оқибатли инсонлар кўп бўлсин.

Иззат АҲМЕДОВ.

ДўСТ БЎЛИШ ОСОН...

Дўстлик ҳақида жуда кўп ривоятлар, ҳикматлар бор. У ҳақда қанчадан-қанча шеърлар ёзилган, кўшиқлар айтилган. Қандай кишини садоқатли дўст дейиш мумкин? Бундай саволга дабдурустдан жавоб топиш қийин, албатта.

Ҳар ким ҳам ҳақиқий дўст бўла олмайдми. Дўстман деб барча сирини билиб олиб, душманнинг ишини қилиб кетиш мумкин. Ҳаётда бунга мисоллар кўп. Шу боис бўлса керак, садоқатли дўст топиш мушкул иш. Ҳар ким ҳам сенга дўст бўлавермайди. Кимдир молинга ошна, кимдир мансабинга, яна кимдир... бу жумбоқни ечиш қийин.

Ким билан дўстлашиш кераклиги ҳақида Ҳусайн Воиз Кошифий айтди: “Дўстликдан бирон манфаат кўзламайдиган ва беш хил хусусиятга эга бўлган киши билан дўстлашиш лозим.

Биринчиси: дўст ақлли бўлиши керак, зеро, ақлсизлик яхшилик белгиси

эмас. Донолар: “Ақлсиз дўстдан ақлли душман яхши”, — деганлар. Иккинчиси: дўст хушфەъл бўлиши лозим. Чунки қаҳри каттиқлар билан тил топишиш қийин. Учинчиси: дўст бадфەъл бўлмаслиги лозим. Тўртинчиси: у бегараз бўлиши даркор. Бешинчиси: дўст алдоқчи, риёкор, қаллоб бўлмаслиги керак. Чунки бундайларнинг дўстлигига ишониб бўлмайди”.

Халқимизда дўст бўлиш осон, лекин уни сақлаш қийин, деган гап бор.

Дўстман деб тил учиде айтиши, аслида дилида бўлмаслиги мумкин. Унинг қалбиде нима яшайди, билмайсан. Дўст оғир кунда синалади. Бошинга оғир бир мусибат тушган-

да, дўст киму душман ким, билинади. Бу хусусда Абу Лайс Самарқандий ўз ўғлига насихат қилиб айтди: “Эй нури жаҳоним, сенга айтадиган гапим умрининг безағи ва зийнати ҳақида бўлур. Парвардигор бизга насиба қилиб яратган неъматлар ва рўёлар (бойлиқлар) ичинда доим қадр-қиммат қилишимиз лозим бўлган, эъзозлашимиз шарт бўлган олий фазилат дўстлик ва меҳр-оқибатдир.

...Синов саҳросида икки дўст адашиб қолишибди. Етти кеча-ю етти кундуз кўтарилган қуюн, қорёғмир уларни ҳолдан тойдирибди. Лекин иккиси ҳам сабр-тоқат билан азобларни енгибдилар. Бир неча чақирим йўл босганларидан кейин саратон исмига рубару келибдилар. Ташналик ҳолдан тойдирибди. Жалол исми йигит дўстига шундай дебди:

— Эй Халил, чанқов таними чаёндек чайнаётир. Сувингдан бир хўлпам бер.

Халил унга жавобан: — Босар йўлимиз мўл. Қаноат қил, — дея далда берди.

— Сабр-тоқатим, бардошим тугади...

— Яхши, сувдан берурман. Фақат шартим бор...

— Тезроқ айт... Ташналик ўртайди.

— Халифамиз хузурларига борганинда...

— Нега ундай деясан?

— Бу азоб саҳросидан иккимизнинг омон чиқшимиз даргумон. Агар мен омон қолсам, сенга, халқинга асло хиёнат қилмасликка онт ичмам. Халифамиз иккимиз ўртамаздаги барча воқеадан оғоҳ бўлсин. Оқибатимиз собитлигини шоҳимиз билсин. Токи араб туркни, турк арабни ўлдирибди, деган гап бўлмасин.

Улар қасамд қилишибди. Халил охири културм сувини дўстига берибди.

Қатра

КЕКСАЛИК

Анчадан буён кўришмаган бир дўстимнинг уйига ҳол сўраб бордим. Онаси мени кўярда-қўймай ичкарига таклиф қилди.

Дастурхонга ўтиришим билан мўйсафид чол ўғлидан шикоят қилишга тушди. Аслида, дўстим унчалик ёмон бола эмас. Уни сираям ота-онасини ранжитадиган фарзанд деб ўйламайсиз.

— Бўлди-да, чол, ҳадеб кимга бўлса ўғлингизни ёмонлайверасизми? — суҳбатга аралашди кампир. — Ўзи жуда инжиқ қаридингиз. Ундан кўра ёшларни дуо қилиб, жимгина ўтсангиз бўлмайми? Сизга ўзи битта гап кам, иккитаси кўп бўлиб қолган...


Уларнинг суҳбатини тинглаб ўтириб беихтиёр момом билан бобом ёдимга тушди. Бобом тинмай:

«Илоҳим, қариганда Шамси эзнанинг сизигарига ўхшаб қариш насиб қилсин», — деб дуо қилаверардилар. Ўшанда бу гапнинг маънисини тушунмаганим. Кейин билсам, Шамси эзнанинг сизигари шундай ювош эканки, яйловда ўтлаб юрганида ҳам болалар уни соғиб ичиб қўяверишаркан.

Бобом раҳматли ўзи Худодан сўраганидек, жуда ювош қариган эдилар. Ҳа, ҳаммага ҳам аввало қарилик насиб этсин экан. Қариганда ҳам ҳамма беозор қарисин экан-да!

Мухаммад СИДДИК.

Жаҳон ҳафта ичида



Партиялар фаолият юрита бошлайди

Таиланд ҳукумати жорий йилнинг 5 июнидан мамлакатдаги сиёсий партияларнинг фаолият юритишига руҳсат берди.

Эндиликда мамлакатдаги партиялар шу йилнинг декабрь ойида ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўришни бошлайдилар. Эслатиб ўтамиз, 2006 йил сентябрь ойида Таиландда ҳарбий йўл билан давлат тўнтариши амалга оширилган ва бош вазир Таксин Чинават ҳукумат тепасидан олиб ташланган. Шундан сўнг оммавий йиғинлар ўтказиш ҳамда партиялар фаолияти тақиқлаб қўйилган.



Хорижликлар гаровда

Нигериянинг Икот-Абаси шаҳрида «Русал» алюмин компаниясининг олти нафар ходими гаровга олинган.



Манбада келтирилишича, гаровдагиларнинг уч нафари россиялик. Бироқ Россиянинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси берган маълумотга кўра, гаровдагиларнинг барчаси россияликлардир. Ҳозирда тахмин қилинишича, номаълум жиндий шахслар пул ишлаш мақсадида шундай йўл туттишаётган бўлиши мумкин. Айни пайтда гаровдагиларни озод қилиш бўйича тезкор саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, гаровдаги хорижликлар ҳозир қаерда ушлаб турилгани номаълум. Сўнги хабарлар оқимига қараганда, мамлакат президенти россияликларни озод қилиш бўйича шахсан ўзи шуғулланмоқда.

19 йиллик комадан сўнг

Ян Гжебский 19 йиллик комадан сўнг яна ҳаётга қайтди. Польшалик темирйўлчи 1988 йилда ўз хизмат бурчини бажараётган пайтда бахтсиз ҳодисага учраб, хушини йўқотган. Хотини Гертруда 19 йил давомида унинг олдидан жилмади. «Кома ҳолатига тушишимдан олдин мамлакатимиз иқтисодиёти анча қолақ эди. Дўконларда ҳам озиқ-овқат тақчил бўларди. Ҳозир эса ҳаёт бутунлай ўзгариб кетибди. Кўчаларда ҳаммамнинг қўлида уяли алоқа телефони. Катта-катта маганзинлар қурилибди. Уларда маҳсулот ошиб-тошиб ётибди. Буни кўриб жуда хайратланиб кетдим», — дейди Ян. Бундан 19 йил олдин унинг тўрт нафар фарзанди ёшгина болалар эди. Ҳозир эса уларнинг барчаси оила қуришган. Турли касбларни эгаллаб, ишлаб юришибди.

Бош вазир уйи ёнида портлаш

Сомали пойтахти Могадишода амалга оширилган теракт оқибатида 7 киши оламдан кўз юмди.

Бу ҳақда «Рейтер» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Портлатгич ускуна жойлаштирилган машина мамлакат бош вазир Али Мухаммад Геди уйи яқинида ишга туширилган. Қурбон бўлганларнинг 5 нафари ҳарбий ва икки нафари тинч аҳоли вакилидир. Ушбу теракт бош вазирга нисбатан суиқасд сифатида қабул қилинмоқда. Сиёсатчи бундан жабр кўрмади.

Ҳозирча полиция қаттиқ қўриқланадиган бош вазирнинг уйига камикадэе автомобилни қандай олиб келганига ҳайрон қолмоқда.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

ЮРТИМИЗНИ ДУНЁГА ТАНИТМОҚДА

Республикамиз истиқлолни қўлга киритгач, миллий почта маркаларини чиқаришга ҳам киришди. «Ўзбекистон маркаси» нашриёт маркази ташкил этилиши бу соҳани йўлга қўйиш имконини берди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузурида 1992 йилнинг баҳориде иш бошлаган бу марказ эндиликда «Ўзбекистон маркаси» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. Ўтган 15 йил мобайнида жамият қўллаб-қувватлаган маркаларни муомалага чиқарди. Унинг биринчи маҳсулоти эса ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намойиши Нодирага бағишланади. Шеърятда Мохларойим номи билан машҳур бўлган бу шора таваллуднинг 200 йиллигига муносиватоман бўлган эди.

Ўзбекистон мустақиллигининг саккиз йиллигига тортиқ сифатида почта маркалари бағишланган биринчи каталог чоп этилди. 130 саҳифадан иборат бу нашрда 1992-1998 йилларда мамлакатимизда босма юзини кўрган 180 дан ортиқ маркалар фотопродукцияси ўз аксини топди.

«Соҳибқирон Амир Темур» деб номланган почта тўплами эса улўғ жаҳонгир таваллуднинг 660 йиллигига совға сифатида тақдим этилди. Машҳур астроном олим Мирзо Улўғбекга бағишланган туркум маркалар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Шундан сўнг Фитрат, Чўлпон,

Бердак, Бехзод сингари йирик ижодкорлар ёдгорликлари тасвирланган маркалар ҳам муомалага чиқарилди.

Ўзбекистонда авиация ва автомобилсозлик саноати фаолиятини акс эттирувчи рангли марка ва почта тўпламлари ҳам жамиятнинг энг яхши ижодий маҳсулоти деб баҳоланди. Мамлакатимиз «Қизил китоб»га кирган ноёб ҳайвонлар ҳақида ҳикоя қилувчи Орол денгизи муаммосига бағишланган почта маркалари ҳам кенг оммалашди.

Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада «Ўзбекистон маркаси» корхонасининг талайгина маҳсулоти, жумладан, кўна Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари манзаралари акс этган рангли маркалар намойиш қилинди.

Узининг 15 йиллигини нишонлаётган жамият яна кўплаб чиройли маркаларни муҳлисларга тақдим этиш мақсадида ижодий изланишлар олиб бормоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон почта маркалари каталогининг навбатдаги нашри босмага тайёрланди.

Ақбар АЛИЕВ.

«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.

Матбуотчилар кўчаси 32-уй, 501, 502-хоналар. Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий ТИКЛАНИШ

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳосил ҚАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Маърузи: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Тижорат материал

Газета таҳририят компьютер базасида тортиди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти 20.00

Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.

Буортини: Г — 523. Ҳажми 2 босма табоқ.

Адаби 2100

Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси боснахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй